

ШАРТНОМА № 01

Урганч туман

« 06 » январь 2022 й

«Мустафо Идеал Авто» маъсулияти чекланган жамияти

(юк юкловчи идора, корхона, муассаса, ташкилот номи)

бундан буён матнда «БАЖАРУВЧИ» деб аталувчи номидан раҳбари М. Матназаров фаолиятини амалга оширувчи бир томондан ва «Микрокредитбанк АТБ Қароқўли Ҳилолти Иш.» бундан буён матнда «Буюртмачи» деб аталувчи номидан раҳбари Р. Иброҳимов фаолиятини кўрсатувчи иккинчи томондан куйидагилар тугрисида ушбу шартномани тузишди.

1. Шартнома предмети

1.1. «БАЖАРУВЧИ» шартномада кўрсатилган хизмат(лар)ни бажариб беради, «Буюртмачи» эса шартномада кўрсатилган хизмат(лар) ҳақини ўз вақтида ва белгиланган тартибда тўлангандан кейин олиш мажбуриятини олади.

№	Хизмат тури	Ўл. бир.	Микдори	Нархи	Умумий қиймати
1	Автомобилни таъмирлаш ва техник хизмат курсатиш учун	сум	1	3073000	3073000
	Жами				3073000

2. Шартнома нархи, баҳоси, суммаси (қиймати)

2.1. Шартноманинг умумий қиймати: Уч миллион етмиш уч минг сўмни ташкил қилади.

3. Тўлов шартлари

3.1. «Буюртмачи» «БАЖАРУВЧИ»нинг ҳисоб-рақамига шартномада кўрсатилган хизмат тури микдори суммасининг 100 фоизини олдиндан ўтказишни ўз зиммасига олади.

3.2. Тўлов тури пул ўтказиш

(тўлов талабномаси, тўлов топшириқномаси, чек аккредитив ва бошқалар)

4. Шартноманинг бажарилиш муддати

4.1. Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган хизмат тури «Буюртмачи»га шартнома имзолангандан кейин 5 кун вақт ичида бажарилиши шарт.

4.2. Шартноманинг амал қилиш муддати: « 06 » январь дан 2022 йил « 31 » март 2022 йилгача ўз кучида қолади.

5. Тарафлар ҳуқуқлари

5.1. «Буюртмачи»нинг ҳуқуқлари:

5.1.1. Ушбу шартнома асосида белгиланган хизмат турлари ўз вақтида ва сифатли бажарилиши «БАЖАРУВЧИ»дан талаб қилишга;

5.1.2. «БАЖАРУВЧИ»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни талаб қилишга ҳақлидир.

5.2. «БАЖАРУВЧИ»нинг ҳуқуқлари:

5.2.1. Ушбу шартнома асосида белгиланган хизмат турлари учун олдиндан ҳақ тўлашни ва амалдаги шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисоб-китобларни амалга оширишни «Буюртмачи»дан талаб қилишга;

5.2.2. «Буюртмачи»дан шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик, кўрсатилган хизмат турини қабул қилишда асоссиз равишда рад қилиш натижасида етказилган зарарни талаб қилишга ҳақлидир.

6. Тарафлар мажбуриятлари

6.1. «БАЖАРУВЧИ» мажбурияти:

6.1.1. Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида «Буюртмачи»га кўрсатилаётган(бажарилаётган) хизмат турини бажариш;

6.1.2. Тегишли даражада сифатли кўрсатилмаган(бажарилмаган) хизмат тури тўғрисида билдириш (хабарнома) олгандан сўнг сифатли бажарилмаган хизмат турини 1 кун ичида қайтадан бажариб бериш ёки ушбу шартноманинг 1.2-бандига асосан сифатли бажарилмаган хизмат тури баҳосини қайтариб бериш.

6.2. «Буюртмачи» мажбурияти:

6.2.1. Хизмат турини қабул қилиш далолатномасини тузган ҳолда ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб муддатида хизмат турини қабул қилиб олиш;

6.2.2. Тегишли даражада сифатли бўлмаган хизмат тури аниқлангандан кейин, бу ҳақда далолатнома ёзилиб, «БАЖАРУВЧИ»ни огохлантириш.

6.2.3. Махсулотнинг баҳосини ушбу шартномада белгиланган микдорда ва муддатда тўлаш.

7. Тарафлар жавобгарлиги

- 7.1. Хизмат турини кўрсатиш(бажариш) вақтида шартнома бандларига тўлиқ риоя қилмаганлиги учун айбдор тараф бошқа тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди ва 0,1 % миқдорда пеня тўлайди.
- 7.2. «БАЖАРУВЧИ» хизмат турини тўлиқ бажармаганлиги учун «Буюртмачи»га бажарилмаган ҳар кун учун хизмат тури баҳосидан 0,2 % пеня тўлайди.
- 7.3. Шартнома талабларида кўрсатилган сифатлардаги ҳамда бутлашдаги хизмат тури бажарилмаган бўлса, айбдор тараф 0,1 % миқдорида пеня тўлайди.
- 7.4. Тегишли даражада сифатли бажарилмаган хизмат турини қайтадан бажаришдан бош тортса, «БАЖАРУВЧИ» 0,2 % миқдорда жарима тўлайди.
- 7.5. Хизмат тури учун «Буюртмачи» ўз вақтида ёки тўлиқ тўловни амалга оширмаган бўлса маблаг миқдоридан 0,1 % пеня тўлайди, лекин 05 % миқдордан ошиб кетмаслиги керак.
- 7.6. «БАЖАРУВЧИ» бажарилган(кўрсатилган) хизмат тури учун ўз вақтида тўлиқ тўлов амалга оширилмаган бўлса, агар бу томонларнинг келишувига асосан кўзда тутилган бўлса, «Буюртмачи» ҳар бир ўтказиб юборилган кун учун «БАЖАРУВЧИ»га келиб чиққан зарар учун 04 % миқдорида жарима тўлайди.
- 7.7. Жарима тўлаш тарафларни шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

8. Форс-мажор ҳолатлари

- 8.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер кимирлаши, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.
- 8.2. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч уч ой узлуксиз давом этса, тарафлар, бир-бирини ёзма равишда огоҳлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиши мумкин.

9. Низони ҳал қилиш тартиби

- 9.1. Ушбу шартномада ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади.
- 9.2. Тарафларнинг келишуви билан ҳал қилиб бўлмайдиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳужалик суди орқали ҳал қилинади.

10. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби


- 10.1. Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар фақат иккала тараф томонидан ёзма равишда тузилиб, имзо қўйилгандан кейингина юридик кучга эга бўлади.
- 10.2. Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

11. Бошқа ҳолатлар

- 11.1. Ушбу шартнома иккала тараф учун бир хил юридик кучга эга бўлиб икки нусхада тузилган.
- 11.2. Тарафларнинг бошқа талаблари: _____
- 11.3. Шартномага илова: _____

12. Тарафларнинг юридик манзилгоҳи ва тўлов реквизитлари «БАЖАРУВЧИ» «БУЮРТМАЧИ»

«Мустафо Идеал Авто» маъсулияти чекланган жамияти	
Манзили: Урганч туман Чаккашолокор кишлоғи	Манзил:
Тел/факс: (93) 922-15-55	Тел:
х/р: 2020 8000 700 697 879 001	шх/р:
ИНН: 304460858	МФО:
Банк: Хамкорбанк Урганч филиали	
МФО: 01020	
ОКОНХ: 52300	



М.Ў. (Имзо)
М. Матназаров
(Ф.И.О.)



М.Ў. (Имзо)
Р. Иброҳимов
(Ф.И.О.)

Р. Иброҳимов
(Ф.И.О.)